

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ МУСИҚА ВА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ” КАФЕДРАСИ**

**5111000- “Муסיқа таълими” таълим йўналиши битирувчи босқич талабаси Сатторов Алишернинг бакалавр даражасини олиш учун ёзган “Муסיқа маданияти” дарсларида муסיқа саводига ўргатиш услублари” мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

**“Муסיқа ва меҳнат таълими” кафедрасининг катта ўқитувчиси Ибрагимова Нилуфар**

**Гулистон – 2018 й.**

# **МУНДАРИЖА**

## **КИРИШ**

### **I-БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИ МУСИҚА САВОДИГА ЎРГАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.**

1.1. “Мусиқа маданияти” дарсларида мактаб ўқувчиларига мусиқа саводини ўргатишнинг аҳамияти.

1.2. Мактаб ўқувчиларини мусиқа саводхонлигини оширишнинг долзарб муаммолари.

### **II-БОБ. “МУСИҚА МАДАНИЯТИ” ДАРСЛАРИДА МУСИҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ.**

2.1. Ўқувчиларни мусиқа саводхонлигини оширишдаги ташкил этиладиган дарснинг шакл ва усуллари.

2.2. “Мусиқа маданияти” дарсларида мусиқа саводига ўргатишдаги интерфаол усулларнинг аҳамияти.

**Хулоса ва амалий тавсиялар**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## К И Р И Ш

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида кенг қамровли ва жуда муҳим ижтимоий, иқтисодий ва ҳамда сиёсий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, бошқа сохалар сингари халқ таълими йўналишида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Халқ таълими тизимини ривожлантириш борасида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” каби меъёрий ҳужжатларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида таълимни демократлаштириш, индивидуаллаштириш ва унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш тамойиллари асосида барча ўқув фанлари бўйича ўқитиш концепцияси ишлаб чиқилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимиз президенти Шавкат Мирзиёев “ Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” деган эдилар.

Муסיқа санъати - миллий қадриятлар асосидаги нафис санъат, у фан, у халқ дарди, тили, дили, маънавий маданий, маърифий тадбирлар мазмунини тарбиявий ахамиятини теран англашга ёрдам берувчи воситадир. Жамиятимизнинг тараққиёт босқичида ёшларимизнинг шахс сифатидаги маънавий-маърифий, маданий шаклланиши долзарб муаммодир. Ватан тинчлиги, жахон ҳамжамиятлари қаторида обрў-эътибори, шон-шухрати, ривожланиш ва тараққиёт босқичларида энг муҳим ўрин эгаллайдиган бугунги бакалаврлар, эртанги мутахассисларимиздир. Демак, жамиятимизнинг бугуни, эртаси ва истиқболи ёшларимизга, уларнинг қай даражада билим олишига, тарбияланишига боғлиқдир. Чунки, бўлажак муסיқа ўқитувчилари, ёш мутахассислар, ҳаракатчан, илм-фанга, муסיқа санъати ва адабиётга, ахборот технологияларини чуқур ўрганишга фан ва

техника тараққиётини пухта ўзлаштиришга хисса қўшишга ақлан интиладилар. Олий мақсад, ёшларимизни қадриятларимиз асосида тарбиялашдир. Демак, янги авлодни қандай тарбиялаш жараёнларини амалга оширишнинг самарали воситаларини танлаш ва изчиллик билан амалга оширишга боғлиқдир.

Сўз қудратли қурол аммо, мусиқа сўздан ҳам салобатли, теран хисларни, инсон қалби ақл-идроки, тафаккури орқали эмоционал ҳолатга келтирувчи гоҳ хазин, гоҳ тантанавор, гоҳ лирик, гоҳ драматик, туйғуларни пайдо қиладиган ўта нозик, ўта латиф, ўта кучли таъсир этадиган воситадир. Одам эшитиш, кўриш, хис этиш орқали таъсирланади. Сўз санъати, мусиқа санъати, ўзаро узвий боғлиқ ҳолатда яшаши бир-бирини тўлдиради. Мумтоз наволар авлодларга аждодларимиздан буюк мерос ва сўнмас сарчашмалардир.

Республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов миллатимизнинг фахр ва ғурурини намоён этувчи миллий анъаналарида фикр юритар экан, мусиқанинг қудратли кучига алоҳида тўхталиб ўтади: “Мустақиллик йилларида, - деб ёзади, - улуг боболаримизнинг ана шундай анъаналарини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизда мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро мусиқа анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда... Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишда, бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”.

Халқимизда “Ўқитувчи – миллат тарбиячиси”, деб бежиз айтилмаган. Ўқитувчи бугун ўзи таълим тарбия бераётган шогирдининг камолоти билан келажакка пойдевор қўяди. Келажак фарзандларимизники, уларни камолот ва комиллик чўққисига эса ўқитувчи-устози бошлаб беради. Шу ўринда ўз шогирдларини тинимсиз меҳнатлари орқали санъат оламига олиб кираётган

устозларнинг фаолиятларини юксак баҳолаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Бола илк ёшлигидан санъат мактабига, сўнгра санъат коллежи ёки лицейларига, билимларини янада орттириш ва мустаҳкамлаш учун олийгоҳларга ўқишга кириб таҳсил оладилар. Олийгоҳ талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари мунтазам назорат қилиб борилади. Баъзан мусиқий таълим йўналишига мусиқа саводига эга бўлмаган айрим талабалар ўқишга қабул қилинганига гувоҳ бўламиз.

Оқибатда ўқиш жараёнида ўқитувчи ва талаба бир қанча муаммоларга дуч келиши кузатилмоқда. 4 йиллик (бакалавр) таълим олиш жараёнида қобилияти бор ва қизиқувчан талабалар ўз меҳнатининг самарасини кўрсатиб ўқишни муваффақиятли тамомлашмоқда. Баъзи бирлари эса лоқайдлик ва бепарволик билан “дипломни қўлга киритсам бўлди”, қабилида иш тутадилар. Бундай вазиятда педагоглар ўқишга қабул қилиш жараёнида кўпроқ мусиқа саводига эга бўлган санъаткорлик қобилияти яққол сезилиб турган талабаларни қабул қилишга ҳаракат қилмоғи лозим. Чунки олий даргоҳни тамомлаган мутахассис ёш авлодни ҳозирги давр талабларига муносиб қилиб тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшмоғи керак. Ўз устида тинимсиз ишлаш, ҳар томонлама кенг фикрлаш, илғор педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўллай олиш, ижодкор шахс ҳамда ёшларни билим чўққисига, юксак маънавият сари, олий инсоний фазилатлар соҳиби бўлишига даъват этадиган чинакам устоз сифатида фаолият юритиши талаб этилади. Бундай фазилатлар ҳақиқий санъаткорлик истеъдоди бўлганларгагина муносиб эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Шундай экан, ёшларнинг касб-хунар танлашларида туғма қобилият ва иқтидорига, касбий лаёқатига эътибор қаратилса шахс учун ҳам, жамият учун ҳам фақат фойда бўлишини яна бир карра таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Мусиқий тарбиянинг муҳим вазифаларини амалга оширишда, ёш авлодни юксак мусиқий эстетик дидини шакллантириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, ижро маҳоратини юзага келтиришда мусиқа ўқитувчиси алоҳида аҳамият касб этувчи шахс ҳисобланади.

Ўқувчини тарбиялашда аввало унинг рухияти билан боғлиқ ҳолда ички кечинмалар содир бўлади. Шундай экан, амалиётчи ва назариётчилар олдида машаққатли, аммо шарафли бўлган ишлар турибдики, уларга: ўқитишни табақалаштириш, методик қўлланма ва дастурларни миллий рух билан суғорилган ҳолда яратиш, мутафаккирларимизнинг гўзал хулқлилик тарбияси ҳақидаги меросларидан, кўпни кўрган бува ва бувиларимизнинг ўғит, панд ва насихатларидан оқилона фойдаланиб иш юритсакгина мақсадга эришамиз.

Бизнинг озод ва обод диёримизда ҳар бир бола, у кейинчалик қайси касбни танлашидан қатъий назар, мусиқа санъатини ўрганиши ва ундан атрофлича бохабар бўлиши зарур. Мусиқа оҳанглари ҳаётимизни нафақат безайди, айти пайтда унга байрамона кайфият бахш этади. Шундай мусиқа асарлари ҳам борки, ҳаётни янада тантанавор, хушчанликка, гўзаллаштиришга, бойитишга ва яхшилашга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, биз битирув малакавий ишимизнинг мавзусини “Мусиқа маданияти” дарсларида мусиқа саводига ўргатиш услублари ” деб номладик.

**Битирув малакавий иши мақсади:** Умумтаълим мактаби “Мусиқа маданияти” дарсларида мусиқа саводига ўргатишнинг ўзига хос хусусиятларини шакллантиришнинг самардорлигини ошириш.

**Битирув малакавий иши объекти:** умумтаълим мактаби “ Мусиқа маданияти” дарслари.

**Битирув малакавий иши предмети:** “Мусиқа маданияти” дарсларида мусиқа саводига ўргатишнинг ўзига хос хусусиятларини шакллантиришнинг самардорлигини ошириш жараёни.

**Битирув малакавий иши вазифалари:**

1. Тадқиқотга оид манбалар билан танишиш.
2. “Мусиқа маданияти” дарсларида мусиқа саводига ўргатишнинг ўзига хос хусусиятларини ривожлантириш учун самарали усулларни яратиш.

3. Мақсадга мувофиқ ҳаётга татбиқ этиш.
4. Синов- тажриба ишларини олиб бориш.

**Битирув малакавий иши методлари:**

1. Илмий ва педагогик адабиётларни таҳлил қилиш.
2. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш.
3. Тажриба-синов ишларини олиб бориш.
4. Мақсадга мувофиқ педагогик кузатишлар олиб бориш.

**Битирув малакавий ишининг методологик асосини:** Мусиқий тарбия ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳужжатлари, Республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ва Республикамизнинг президенти Ш.М.Мирзиёевнинг билдирган фикрлари, Олий кенгаш, таълим вазирлиги томонидан чиқарилган буйруқ ва қарорлари, буюк алломаларнинг мусиқий тарбия ҳақидаги фикрлари.

**Битирув малакавий ишининг янгилиги:** Умумтаълим мактаби “Мусиқа маданияти” дарсларида мусиқа саводига ўргатишнинг ўзига хос хусусиятларини ривожлантириш зарурлиги исботланган, ўқувчиларнинг мусиқий маданиятини шакллантиришга оид педагогик тавсияномалар ишлаб чиқилган.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти:** Умумтаълим мактаби “Мусиқа маданияти” дарсларида мусиқа саводига ўргатишнинг ўзига хос хусусиятларини шакллантириш самарадорлигини оширишнинг йўллари, усуллари ва шакллари асосланган. Тадқиқот натижаларидан умумтаълим мактабларининг мусиқа ўқитувчилари, ҳамда мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари ҳам ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

**Битирув малакавий иш** кириш, 2 та боб, 4 та параграф, хулоса ва фойдаланилаган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб,..... саҳифани ташкил этади.

## **I-БОБ ЎҚУВЧИЛАРНИ МУСИҚА САВОДИГА ЎРГАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.**

### **1.1. “Мусиқа маданияти” дарсларида мактаб ўқувчиларига мусиқа саводини ўргатишнинг аҳамияти.**

**“Ёшлар ўртасида мамлакатимиз бой тарихини унинг бетакроп  
маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб этиш, жаҳон илм  
фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-  
шароит яратиш зарур”**

**Ш.Мирзиёев.**

Республикамызда иқтидорли ва истеъдодли ёшларга барча жабҳаларда кенг имкониятлар яратилди ва яратилмоқда. Ушбу имкониятлардан яна бири, биринчи Президентимиз И. А. Каримов томонидан “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008-йил 7-январдаги фармойиши яққол далилдир. Ушбу фармойиш мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятини юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳа педагог ва мутахассисларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида амалга оширилиши зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқилишини ўз ичига олади.

XX асрнинг буюк композитори Д. Шостакович мусиқа тарбиясининг жуда катта аҳамияти ҳақида гапириб, йигит ва қизларга мурожаат қилиб бундай деган эди: - " Буюк мусиқа санъатини севинг ва ўрганинг". Бу санъат сизга бутун бир юксак туйғулар, завқ-ҳаваслар, ғоялар оламини очиб беради.



У сизни маънавий жихатдан бойроқ, софроқ ва баркамолроқ қилади, мусиқа туфайли сиз ўзингизда янги, илгари сизга сезилмаган кучлар топасиз. Сиз ҳаётни янги ранг ва бўёқларда кўрасиз. Мусиқа сизни жамиятимизнинг муддаоси бўлган энг баркамол инсон идеалига яқинлаштиради.

Мусиқий саводхонлик барча билимларни назарий жихатдан бирлаштирувчи фаолият сифатида муҳим аҳамиятга эга. Дарс, дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида қандай фаолият (тинглаш, ижро этиш, мусиқий ҳаракатлар) ташкил этилмасин, муайян мавзудаги мусиқий асар ўрганилади ва ўқувчиларда уларнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни, жанри, шакли, тузилиши, ижро услуби борасида янги тушунчалар ҳосил бўлади. Шу боис, мусиқий саводхонлик фақатгина нота ёзувларини ўрганишдан иборат бўлмай, балки ўқувчиларнинг умумий мусиқий лаёқатини таркиб топтирувчи умумий билим, тушунчалар мажмуаси (ижро анъаналари ва услуби, халқ ва бастакорлик мусиқаси, уларнинг фарқлари, миллий мусиқанинг ўзига хос хусусиятлари, классик мусиқа, нота саводи) ни ташкил этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида кенг қамровли ва жуда муҳим ижтимоий, иқтисодий ва ҳамда сиёсий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, бошқа соҳалар сингари халқ таълими йўналишида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Халқ таълими тизимини ривожлантириш борасида қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги Қонун”, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” каби меъёрий ҳужжатларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида таълимни демократлаштириш, индивидуаллаштириш ва унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш тамойиллари асосида барча ўқув фанлари бўйича ўқитиш концепцияси ишлаб чиқилди. Шу қаторда мусиқа предметининг ҳам ўқитиш концепцияси қабул қилиниб, умумтаълим мактабларида мусиқа маданияти дарслари сифатини янада яхшилаш вазифаси белгилаб қўйилди. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб биз, мусиқа маданияти дарси фаолиятларидан бири бўлган мусиқа саводи, яъни нотани ўрганишнинг айрим усуллари ҳақида фикр юритмоқчимиз. Маълумки, профессионал мусиқа санъатининг қуроли нота

бўлиб, куй ва кўшиқлар нота асосида ижро этилади. Шу боис ўқувчини нота белгилари билан таништириб бориш мусиқа ўқитувчисининг асосий вазибаларидан бири саналади. Бу борада мусиқа ўқитувчиси катта билим ва тажриба ҳамда топқирлик маҳоратига эга бўлиши ва дарс жараёнида бу борада турли метод ва йўллاردан фойдаланиши лозим. Бугунги кунда мактабнинг “Мусиқа маданияти” фани ўқувчиларига нотани ўргатишнинг турли усул ва йўллари мавжуд. Нотани ўрганишда товушлар паст-баландлигини аниқлаш учун нарвон поғоналари, турли баландликдаги тўғри чизиклар, нотанинг чўзимларини ўзлаштириш учун эса, тарвуз ёки олма мевалари, тарвуз ёки олмани турли бўлақларга (бутун, иккига, тўртга ва ҳоказо) бўлиб, улар билан ноталар чўзимини қиёсий тарзда ўрганиш йўллари билан фойдаланилади.

Шу орқали мактаб ўқувчиларининг фикрлаш қобилияти ривожланиб боради ва у чизикларда жойлаштирилган нотани ўқиб, сўз яшаш усулини ўрганади. Топишмоқли кўшиқларнинг тузилиши катта синфда кварта ва квинта оралиғида тузилса, улар учун анча қулай бўлади. Ушбу усулда ўқувчилар нотанинг ёзилиши, унинг ўрнашган жойи ва номини узоқ вақт хотирада сақлай оладилар. Мазкур методда иш олиб борган мусиқа ўқитувчиси вақтдан ҳам унумли фойдаланишга эришади. Хулосада шуни айтмоқчимизки, эртак ва топишмоқлар (ребуслар) орқали бошланғич синф ўқувчиларига нотани ўргатиш усули унчалик ҳам янги метод бўлмасда, бугунги кунда умумтаълим мактабларининг мусиқа маданияти дарси жараёнида айна пайтда кенг қўлланилаётган янги педагогик технологиялар қатори юқорида айтиб ўтилган эртак-топишмоқлар йўллари билан синтезлашган ҳолда фойдаланиб, мусиқа маданияти дарси самарадорлигини янада ошириш мумкин деб ўйлаймиз.

Назария ва амалиётга асосланган ҳолда шуни айтиш жоизки, мусиқий қобилиятлар ва уларни ривожлантириш муаммоси педагогика ва психологиянинг долзарб муаммоларидан биридир. Бу қобилиятларни ривожлантириш ижтимоий муҳит, табиатдан берилган истеъдод, иқтидор,

шахсининг ирода кучи, фаоллиги, жисмоний ва ақлий жараёнларга ҳам боғлиқдир. Демак, болаларда муסיқий қобилиятлар эрта намоён бўлиши, шунингдек уларнинг қобилиятлари таълим-тарбия ва атроф-муҳит таъсири остида шаклланишини ҳисобга олган ҳолда биз қуйидаги холосага келдик.

Узлуксиз таълим тизимидаги муסיқа машғулоти (дарслари)да ижрочилик малакаларини ривожлантиришда муסיқий қобилиятлар муҳим омил бўлиб хизмат қилар экан.

Ҳар бир бола муסיқанинг қайси йўналишини ўрганишидан қатъий назар унинг ёш хусусиятларини, психологик ривожини муסיқа раҳбари назарда тутиши лозим.

Боланинг муסיқий ривожини бу тўғри ва узлуксиз равишда йўлга қўйилган фаол муסיқий жараёндир. Бу ривожланиш қуйидагича кечади:

- Ҳиссий муносабат. Оддий муסיқий тасаввурдан мураккаб ва кўп томонлама ривожланган муסיқий асарларни тушуна олиш;
- Муסיқани эшитиш қобилияти — муסיқанинг тембри, товуш баландлиги, муסיқа ифода воситалари.
- Ижрочиликнинг илк шаклланиши. Бола ўзининг билим ва қўникмаларига таяниб, унга таниш бўлган муסיқага матн ёки рақс элементларини ижро этиш.

Муסיқа тарбия бошқа соҳалар каби ўйлаб чиқилган тизим ва режаларга асосланиб узлуксиз олиб бориладиган жараёндир, яъни ҳар бир машғулотда ўйлаб чиқилган маълум мақсад сари бирин-кетин қадамба-қадам эришилади. Бу жараёнда муסיқа раҳбари сардор вазифасини ўтайди ва болаларни ўзи билан эргаштириб юради.

Бу жараённинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири бу – ҳар бир боланинг индивидуал дунёқараши ва иқтидорини назарда тутиш керак. Айрим болаларга танбех бериш билан кифояланса, айрим болаларга танбех салбий таъсир кўрсатиб, улар ўз фаолиятларини кўрсатмай янада қисилиб қолишади.

## Муסיкий тарбия вазифалари:

1. Муסיқага мухаббат ва қизиқишни ўстириш.
  2. Болаларнинг муסיкий тажрибасини бойитиш (муסיкий асарлар асосида).
  3. Болаларни оддий муסיкий тушунчалар билан таништириш, муסיқа тинглаш, куйлаш, муסיкий ритмикаси борасида малакаларни ривожлантириш.
  4. Болаларда эмоционал ҳисни шакллантириш. Уларда лад хисси, ритм туйғусини ўстириш ва ҳаракатни ўстириш.
  5. Муסיкий дидни ўстириш (муסיкий таассуротлар асосида).
  6. Болаларда ижодкорликни ўстириш (барча фаолиятлар асосида).
- Болаларнинг шахс сифатида тарбиялаш учун таълим жисмоний ва онгли тарбия уйғунликда олиб борилиши керак. Бу мақсадга эришиш учун болаларда тўғри ташкиллаштирилган муסיкий машғулотлар ташкил этилади.

## **1.2. Мактаб ўқувчиларини мусиқа саводхонлигини оширишнинг долзарб муаммолари.**

Миллатнинг келажаги хисобланган ёш авлодни ҳар томонлама етук шахс бўлиб вояга етишишида, уларнинг таълим-тарбияси, маънавий камолоти масаласи давлат даражасига кўтарилиб, бу йўлда қатор мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаш жараёни жадаллашиши муносабати билан ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиясининг ахамияти сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, ёш авлод маданиятимиз ва маънавиятимизни, тараққиётнинг интеллектуал қадриятларини келажак жамият аъзоларининг онгига етказадилар. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятни қуриш шароитида янгича фикрловчи шахснинг шаклланиши муҳим ахамиятга эга. Шу ўринда ёшларнинг маънавий жихатдан баркамол қилиб тарбияланишида миллий мусиқамизнинг роли алоҳида ахамиятга эга. Чунки, айнан ёшларимизнинг миллий менталитетимизга хос бўлган қадриятларни сақлаб қолишда миллий мусиқа санъатининг ҳам ўз ўрни бор. Маълумки, миллий мусиқа санъатимиз ёшлар ўртасида самимиятни, ўзаро меҳр-оқибатни янада ўстиришга хизмат қилади. Мусиқий таълимнинг мазмун ва моҳияти заминида баркамол авлод, комил инсон тарбияси ётади.

Мустақиллик йиларида мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, фарзандларимиз мусиқа маданиятини оширишга қаратилган қатор дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз мусиқа меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш ҳамда ёшларимизни уларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадларга қаратилган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чоратадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг

фармойиши” мусиқа ривожига янада улкан хисса бўлиб кўшилади. Ушбу фармойиш нафақат мусиқа ва санъат мактаблари, балки, умумтаълим мактаблари “мусиқа маданияти” дарсларига бўлган эътиборнинг ҳам кучайишига олиб келади.

Президент И.Каримовнинг “Юсак маънавият енгилмас куч” асарида: “Халқимиз хаётида мусиқа азалдан бекиёс ўрин тутиб келади. Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади.

Энг мухими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”, деган фикрларни ўқиймиз.

Хақиқатда ҳам инсон шахсини ҳар томонлама тарбияланишида мусиқа тарбиясининг ахамияти бекиёсдир. Айниқса, бугунги техниканинг мисли кўрилмаган даражада авж билан юксалиши даврида мутахассислар олдида ёшлар қалбига мусиқанинг ижобий хислатларини тўғри сингдира олиш муҳим вазифа турибди. Жумладан, ҳозирда кўплаб ёшларимизнинг Ғарбнинг тало-тўп, шовқин-суронга бой, тушунарсиз мусиқасини тинглаши, бунинг оқибатида ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажагига салбий таъсир кўрсатишини англаб, бунинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш зарурдир. Бунинг учун ҳар бир инсон бошланғич мусиқа саводига албатта эга бўлмоғи лозимдир. Умумтаълим мактабларининг “Мусиқа маданияти” дарсларида ўқувчиларни мусиқа саводхонлигига ўргатиш учун ўқитувчи кўрғазмали куруллардан ва АКТ лардан фойдаланмоғи зарурдир, лекин кўпгина педагог ва олимлар кўрғазмали куруллар ва техника воситаларидан фойдаланишнинг афзаллигини айтиб ўтган бўлсаларда, бу воситалардан дарсда фойдаланишнинг етарли имкони йўқлигини нафақат умумтаълим мактабларида, балки мусиқий педагогик коллеж, ҳатто олий ўқув юртларида ҳам кузатиш мумкин. Хаттоки, баъзи бир умумтаълим мактабларида “Мусиқа маданияти” фанига ажратилган синфлар, фортепиано чолғусининг йўқлигини, бор бўлса ҳам фортепиано чолғусининг носозлигини кўраимиз.

Шуларни ҳисобга олиб кўргазмали қуроллар ва техника воситаларидан унумли фойдаланиш тўғри йўлга қўйилса, махсус “Муסיқа маданияти” синфлари ташкил қилинса, чолғу созлари соз ва етарли бўлса, ўқувчилар муסיқа чолғу асбобларини, уларнинг овоз тембрини, қўшиқ ва куйларга хос бадий тавсифни ва дарс билан боғлиқ бошқа материалларни пухта ўзлаштириш орқали муסיқа маданиятига эга бўладилар. Бу муаммоларнинг ечимини топиш учун аввало халқ таълими раҳбарлари, ота-оналар кенгаши ва ҳомий ташкилотлар раҳбарлари бирлашиб, мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш чораларини кўришлари зарур. Акс ҳолда ўқувчиларнинг муסיқий – эстетик диди уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мос ўзбек халқ муסיқаси, композитор ва бастакорларнинг юксак бадий асарлари эмас, балки муסיқий мантиқий мазмуни саёз, умри қисқа, “зўраки” қўшиқлар воситасида шаклланиши муқаррардир.

Маълумки, умумтаълим мактаблари муסיқа маданияти дарсларидаги фаолият турларидан бири муסיқа тинглаш фаолиятидир. Муסיқани тўғри тинглай билиш ва ундан завқ олиш ҳам катта санъат ҳисобланади. Инсонда муסיқа тинглаш маданияти ёшлиқдан ривожлана бошлайди. Бу борада айтиш мумкинки, хали она қорнидалиқ давридаёқ ўсиб келаётган хомила ташқаридан эшитилган муסיқани тинглай олади. Бу борада ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, мумтоз, хусусан, Шарқ халқларининг мумтоз куй ва ашулалари, жаҳон классик оханглари ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонга ижобий таъсир кўрсата олади. Аксинча, ўзида тўполон, шовқин-суронликни акс эттирган муסיқий гуруҳларнинг “асар”лари инсонда жиззакилик, тезлик каби салбий ҳислатларни ривожлантиради. Шу сабабдан умумтаълим мактаби муסיқа маданияти фани ўқитувчиси муסיқа маданияти дарсларида болаларда муסיқани тўғри тинглай олиш маданиятини шакллантира олиши зарур.

Ҳар бир халқнинг миллий куй ва қўшиқлари мавжуд. Лекин ёш авлодни комил инсон бўлиб тарбия топишида ўзбек халқигагина мансуб бўлган бой муסיқий мероси алоҳида аҳамиятлидир. Баркамол авлод тарбиясида

халқимизнинг орзу-умидлари, хаётий кечинмалари, маънавий дунёсини ўзида акс эттирган, алла, лапар, меҳнат ва маросим ҳамда бошқа халқ кўшиқлари муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ана шундай бой меросни ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш бугунги кун мусиқа маданияти фани ўқитувчисининг олдидаги муқаддас бурчлардан бири бўлмоғи шартдир. Мазкур фаолият турини кенгайтиришни тўғри йўлга қўйишни аввало оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан, бошланғич синф давридан бошлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун таълим муассасасининг мутахассиси турли фаолият шаклларида фойдаланиши зарур. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида мазкур жараёни ўйин кўринишида ташкил қилиш мумкин.

“Охангни – топинг” – билагонлар ўйини орқали кичик ёшдаги ўқувчиларнинг мусиқа тинглаш бўйича эгаллаган билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш, кенгайтириш мумкин. Ушбу ўйинни ташкил қилишдан олдин болалар диққатини бир жойга жалб қилиб, мазкур ўйиннинг моҳияти тушунтириб берилади. Бу ўйинни кичик гуруҳлараро мусобақа тарзида ўтказилиши мақсадга мувофиқ саналади. Асосан ўзбек халқ куй ва кўшиқларидан берилган парчалар ўқувчиларни фикрлашга, ўйлашга ундайди. Ўқитувчи доимий равишда ўқувчиларга уйга вазифа қилиб уйда телевидение, радио орқали тингланган куй ва кўшиқларни таҳлил қилишни топширса, бу ҳолат ўқувчиларнинг доимий равишда мусиқани тўғри тинглай олиш маданиятини шакллантириш ва мусиқани тўғри тинглай олиш малакаларини ўсишига ҳам олиб келади. Бундан ташқари ўқувчиларнинг мактабдан ва синфдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишда турли мавзудаги тадбирларнинг ташкил қилиниши ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан: “Миллий куй ва оханглар кечаси”, “Сиз мусиқани биласизми?” викторинаси, “Оханглар – эзгуликка етаклар” сингари бадиий-мусиқий тадбирлар орқали ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бир қаторда уларнинг мусиқани тинглай олиш маданиятини ҳам ривожлантиради.



Дархақиқат, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муסיқий тарбиянинг нақадар улкан омил эканлиги янада аён бўлиб бормоқда. Шундай экан, ёш авлодни бой муסיқий меросимизни ўрганишга, енгил-елпи, тумтарок оханглардан қочиб, уларнинг бадиий дидини, муסיқий маданиятини кўтаришга, маънавий оламини кенгайтиришга ҳаракат қилмоғимиз керак. Бу борада “Шашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналари билан бир қаторда жаҳон тан олган Моцарт, Бетховен, Бах, Чайковский, Рахманинов, Хачатурян каби буюк композиторларнинг дурдона асарларини ҳам ўз вақтида ўргатиб, тушунтириб боришимиз зарур.

Буюк ёдгорликлар, маданий ва маънавий меросимизни авайлаб асрашимиз, ёш авлод тарбиясида муסיқа санъатининг энг нодир дурдоналаридан тўлақонли фойдаланмоғимиз зарур.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосалар қилиш мумкин: -муסיқа тинглаш асосида тарбия беришни бугунги кунда оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда қатъий дастурлар ишлаб чиқилишини йўлга қўймоқ зарур, шу билан бир қаторда турли хил аудио ёзувларни МТМ ва умумтаълим мактабларига етказиш масалаларини ишлаб чиқиш; - ёшларимизнинг миллий муסיқамизни тинглай олиш малакаларини шакллантириш ва унга нисбатан муҳаббатларини шакллантириш ишлари учрашувлар тарзида амалга оширишни йўлга қўйиш;

-олий таълим муассасаларида муסיқий таълим йўналишидан ташқари бўлган таълим, фан йўналишларида таҳсил олувчи талаба-ёшлар билан ҳам муסיқа тинглаш тарғиботини йўлга қўйиш, жонли ижро маҳоратлари юқори бўлган эл ардоғидаги санъаткорлар билан учрашувларни ташкил этиш каби турли кўриниш ва шаклдаги тарғибот ишлари орқали ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муסיқа тинглаш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш ишлари кўламининг кенгайишига эришиш мумкин.

Муסיқани тинглаш жараёнида идрок этиш даражаси тингловчининг умумий маданияти ва муסיқий тайёргарлик даражасига боғлиқ, унга тўғри пропорционалдир. Муסיқий асарнинг тўлиқ ва чуқур идрок этилиши,

шунингдек, композитор ва ижрочи махоратидан ҳам далолат беради. Ана шу тарзда, тинглаш жараёни тингловчининг тарбияси, индивидуал қобилиятлари ва тайёргарлиги билан ажралмас ҳолат деб хулоса қилиш мумкин.

Келтирилган мисоллардан кўришимиз мумкинки, тингловчининг мусиқани қабул қилишида тафовутлар мавжуд. Бир томондан – мусиқани қабул қилмаслик, тушунмаслик, бошқа томондан эса – мусиқий идрокнинг теранлиги ва нозиклиги. Мусиқани қабул қилишдаги бу тафовутлар ҳаёт, турмуш, тарбия, мусиқий қобилиятларнинг ривожланганлиги, мусиқий эшитиш қобилияти, мусиқа санъатини тушунишга тайёрлик ва бунга бўлган хоши билан боғлиқ бир қатор объектив ва субъектив сабабларга эга.

Кичик ёшдаги болаларнинг мусиқали эшитиш қобилиятини ривожлантириш учун болалар боғчаларида ўйин, мусиқали ҳаракат, мусиқа асбобларини танлаш ва қўшиқ айтиш усуллари орқали ишлар ишлаб борилиши керак. Кичик ёшдаги болаларга қизиқарли, қувноқли ёзилган ўйин мусиқалари тез таъсир этади ва эшитиш қобилияти фаоллашади.

Мусиқа мактабларида билим оладиган ўқувчиларда мусиқа эшитиш қобилияти асосий ўринни эгаллайди. Донишманд халқимиз азалдан куй ва қўшиқни бола қалбига тез йўл топа олиши, руҳиятига ижобий таъсири кўрсатиши, яхши ҳулқ ва одобли ҳамда яхши фазилатларни шаклланиб боришида катта таъсир кучига эга эканлигини чуқур англаб етган. Оилада фарзандни қўшиқ айтишга, саз чалишга ўргатиш ота-она орзуси саналган, шу ният билан хонадонда бирон-бир чолғу саз сақланиши одат қилинган. Чунки, бола ҳали юришни, сўзлашни билмасдан туриб, мусиқани эшитиб, турли қўл ҳаракатларини бажариб, мусиқага муносабатини билдиради. Бола тарбиясида ўзбек оилаларининг ўзига хос, узоқ тарихий синовлардан ўтган ажойиб анъаналари бор.

Маданий меросга тўғри ёндошиш, ундан унумли фойдаланишга республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг эътибор кучайди, яъни дастурлар, ўқув қўлланмалар, методик тавсиялар нашр этилди.

Дастурларнинг бош мезони қилиб “Муסיқа ва хаёт” мавзуси олиниб инсон хаётига қўшиқ, муסיқа фаол кириб бориши ва маънавий бойликка айланишига харакат қилина бошланди.

Хар бир синф учун аниқ мавзулар яратилди. “Муסיқани севамиз ва ўрганамиз” (1-синф), “Муסיқада уч мухит, уч таянч-қўшиқ, рақс ва марш (2-синф) ишланганлиги фикримизнинг далилидир.

Муסיқа ёшларда гўзаллик, яхшилик, инсонийлик туйғуларининг шаклланишига кучли таъсир этишини назарда тутиб, мактаб хаёти муסיқа рухи билан суғорилишига ахамият бериляпти. Болалар учун тушунарли, енгил куйланадиган қўшиқларни танлаш, муסיқа асарларини қайта-қайта тинглаш истагини болаларда уйғотиш, хар гал муסיқа тингланганда янги таъсуротларга эга бўла олишга эришиш мухим вазифадир.

Болаларга аталган қўшиқ ва куйлар билан бир қаторда фольклор қўшиқларини, ўзбек миллий ва классик қўшиқларини мактабларга кириб бориши, меросимизга мухаббат уйғотиши, уни хурмат қилишга ўргатиши керак.

Меросимиз етук хонандалар ижросида қайтадан тикланаётганини ўқувчиларга тушунтириш, куйни ёки қўшиқни тинглаганда, унинг нозик садоланишида тарих акс садо бериб турганлигини тушунтириш жоиздир.

Муסיқа ўқитувчилари ўз талабаларига куй, қўшиқ ўргатишда ижро йўлига эътиборларини қаратадилар. Ўрганилаётган асар мохиятини тушунтириш, мазмуни, тарихи хақида билим берилса катта ютуққа эришиш мумкин. Ўқитувчининг сухбатларида, ўрганилаётган муסיқа асбоби тарихи хақида, таниқли ижрочилар ижоди хақида маълумот бериш дарс самарадорлигини оширади.

## **II-БОБ “Муסיқа маданияти” дарсларида муסיқий саводхонлигини оширишнинг методик асослари.**

### **2.1. Ўқувчиларни муסיқа саводхонлигини оширишдаги ташкил этиладиган дарснинг шакл ва усуллари.**

Муסיқа маданияти ўқув предмети умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган барча ўқув предметлари, жумладан, адабиёт, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, меҳнат ва бошқа фанлар билан боғланади. Барча ўқув фанлари қатори муסיқий таълимда ҳам ДТС лари жорий этилган ва унда миллий муסיқий меросдан тўла-қонли фойдаланиш имкони берилган. Булар халқ куй ва кўшиқлари амалиёти хонанда ва созандаларнинг ижодий фаолиятларида мақом, Шашмақом, дostonлар ва замонавий муסיқа мавзуларида ўз аксини топган. Муסיқа санъати бу каби имкониятлари янги авлодни тарбиялашда уларнинг баркамол шахс бўлиб етишишларида ўзига хос ва такрорланмас манбаа бўлиб хизмат қилади. Шарқ, жумладан, ўзбек муסיқа таълим-тарбияси педагогикаси азалдан “устоз ва шогирд” анъаналари мисолида такомиллашиб келган. Кейинчалик эса ўқитувчилар асарларни шогирдларига нота ёзувлари орқали ўргата бошлаганлар. Қадимги Грецияда эса муסיқа инсондаги донолик, мардлик хусусиятларини тарбиялаши мумкин деб ҳисобланган. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир санъат инсонга рухий таъсир кўрсатади. Айниқса муסיқа инсон рухиятига эмоционал таъсир этишда катта кучга эга. Муסיқа таълими – бошқа фанлар каби тарбиянинг асосий вазифасини бошқара олади. Шу билан бир қаторда муסיқа ёшларни жаҳон халқларининг умуминсоний муסיқий қадриятларини ҳам чуқур ўргатишини, халқаро нуфузга мойил бўлган маданий дурдоналардан бахраманд бўлишини таъминлайди. Муסיқа санъат сифатида ижтимоий онг формасидир. У кишининг хис туғуларини ифодалаши билан бирга у хаёт воқелик ва давр инъикосидир. Муסיқа дарси жараёнининг асосий омиллари сифатида куйидаги фаолият турлари мавжуд: муסיқани эшитиб завқланиш, кўшиқ

ижро этиш, музика саводига доир билимларни англаб олиш, рақсга тушиш ва музика сирлари остида турли харакатларни бажариш, чапак ва чолғу асбоблари ижросини мақсадли идрок этиб боришдан иборат. Юқоридаги мақсадни амалга оширишда энг аввало ўқувчиларни тинглай олиш маданиятига ўргатиш керак. Одамларнинг аксарият кўпчилиги жиддий музикани тинглашмайди чунки уни тушунишмайди. Тушуниш учун эса тайёргарлик талаб этилади. Агар тайёргарлик кўрилмаса билим ҳам бўлмайди. Тинглашга ўргатиш кўшиқ ижро этишдан мураккаброкдир. (масалан: симфоник музикалар, опера ва бошқалар) ўқувчиларни музикадаги юксак бадиийлигини таништириш лозим. Бундай асарлар ўқувчиларни дунёқарашини кенгайтиради ва музикаий дидини тарбиялайди. Кўп сонли саводхон тингловчиларни тарбиялаш учун музика шайдоларини болалигидан музикани тушунишга ва уни севишга ўргатиб бориш лозимдир. Музикани севиш – бу музикани доим тинглаш ва уни онгли идрок этиш демакдир. Музикани тушуниш – бу уни хис этиш, тахлил эта олиш демакдир. Авваламбор ўқувчиларни тинч ва бошидан охиригача асарни тинглашга ўргатишимиз керак. Ўқитувчи ўқувчиларга асарни тинглаш жараёнида нималарга эътибор бериш лозимлигини айтиб ўтиш керак. Ўқитувчи тинглаш давомида рахбарлик қилиши лозимдир. Энг мухими тингланаётган асар мазмуни орқали ахлоқий эстетик тарбия бериши лозим. Музика тинглашига ўргатишда ўқитувчи олдида қўйиладиган вазифалар: музика санъатига хавас уйғотиш, музика тинглаш ва амалий воситалар орқали уларни қизиқтириш болаларда музикаий эҳтиёжни кучайтириш, ўқувчиларда бадиий таасуротларни тўплаб бориш. Жамият тараққиёти хеч қачон тўхтаб қолмайди, унинг ғилдираги доимо олдинга қараб айланаверади бу табиий, тарихий жараёндир. Шунинг учун ҳам музика маданияти ўқитувчиси, ўқувчиларни маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятининг шакллантирилиши, миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишини, ижодий махоратнинг, нафосатда, бадиий дидни ўстириши, фикр доирасини кенгайтириши мустақиллик ва ташаббускорликни мунтазам

равишда шакллантириб бориш лозимдир. Биз биламизки педагогика тарбия ҳақидаги фан сифатида тарбиянинг мохиятини тушунишини, унинг қонунларини очиқ бериши ва шу орқали инсон манфаатлари тарбия жараёнига таъсир этишини назарда тутди. Мусиқа маданияти ўқитувчисининг педагогик маҳоратларидан энг аввал биринчиси таълим – тарбия соҳасида ортирилган тажрибаларни ўрганиши, илғор ўқитувчилар тажрибаси билан бир қаторда оддий ўқитувчиларнинг фаолиятлари ҳам ўрганиб борилиши лозим. Бу албатта кўпгина муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беради. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да кўзда тутилгандек, замонавий ахборот технологиялари ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бормоқда. Фан ва таълимнинг наشريёт базаси ривожланади. Ўқув – услубий, илмий, инновацион, замонавий технологиялар мукамаллашиб, ўқув жараёнига татбиқ этиб бориляпти. Ўқитувчининг дарс самарадорлигини ошириш учун инновацион технологиялардан фойдаланиш яқиндан ёрдам беради. Педагогик технология жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчи мустақил равишда билим олади, ўрганади, ўзлаштиради. Жумладан: “Ноталар оламига саёҳат” ушбу технология бошланғич синфларда ўтказилади. Синф ўқувчилари билан ноталар ҳақида суҳбат ўтказилади ва кўргазмали қуроллар ёрдамида қайси товуш қайси чизиқда ёзилиши кўрсатилади ва ёздирилади. Илова 1,2,3. “Кема манзилга етиб келди” (тўлқинлар ичидан манзилга интилаётган иккита қоғоздан ясалган кема тасмадан ўтказилади бу кўргазма доскага илинади) бу технология ўрта синфларда ўтказилади. Ўқитувчи ўқувчиларга янги мавзу қисман маълумот беради ва гуруҳларга композиторлар ижоди ёки тўлиқ мавзулар ёзилган матнлар тарқатилади. Ўқувчиларга маълум вақт берилади. Ўқувчилар мавзунини тушуниб олишгач, бўлингач гуруҳлар жойлар билан алмашадилар ва партадошларига мавзуларни навбатма-навбат тушунтирадилар. Ўқитувчи томонидан гуруҳларга берилган саволларга тўғри жавоблар олинса кўргазмадаги кемалар тўлқинлардан ўтказилиб сурилади. Қайси гуруҳ

саволларга биринчи бўлиб тўлиқ жавоб берсалар шу гуруҳ кемаси манзилга биринчи бўлиб етиб келади.

Янги метод ва технологиялар билан бир вақтда мусиқа маданияти дарсида ўқитувчининг сўз маҳорати юксак даражада бўлиши лозим. Ўқитувчини асар ҳақидаги кириш сўзи ва дарс мавзусини тушунтириб бериши, ўқувчиларни ажойиб ва сеҳрли санъат-мусиқа оламига олиб киради ва қизиқарли суҳбат билан болалар диққатини мусиқа мавзуларига йўналтириш мумкин. Ўқитувчини мусиқа асари ҳақидаги ҳикояси қисқа ва қизиқарли бўлиши керак, шунингдек ўқувчиларни бадиий идрок этишга эриштириш лозимдир.

Жумладан: Уч минутли қизиқарли ва образли ҳикоя бир – неча соатли завқли амалий машғулотни таъмин этади. Бундан кўпроқ композиторларнинг ижодий биографияси, қизиқарли воқеалар, лавҳалар қўлланилади.

Дарс давомида ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқатда бўлган усулни қўлласа, мусиқа ҳақидаги тўғри мулоҳаза юритишга, тўғри хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Бу фаолиятда ўқитувчи режиссёр сингари уларни бошқариб, тўғри йўл кўрсатиши лозим.

Мусиқа маданияти таълимида қўлланилаётган педагогик технологияларнинг самарадорлигини ўлчаш мезонлари соҳа бўйича таълимни давлат стандартлари ва ўқув дастурлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Мусиқа маданияти давлат таълим стандартлари асосида янги таълим мазмуни ўқувчиларнинг мусиқа фани асослари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари билан бирга уларда кузатувчанлик, хотирани мустахкамлаш, образли тасаввур ҳосил қилиш, ижодкорлик, мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, бадиий ва мусиқий дид каби хислатларни ривожлантириш талабларидан келиб чиқади. Айни вақтда бу борада муайян самарадорликка эришишнинг асосий йўли сифатида мусиқа дарсларининг ташкил этилишига нисбатан технологик ёндашув эътироф этилмоқда.

## **2.2. “Муסיқа маданияти” дарсларида муסיқа саводига ўргатишдаги интерфаол усулларнинг аҳамияти.**

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, маълумотларни ўзлаштириш сифати таълим олувчиларнинг ахборотларни қабул қилиш ва фаоллик даражасига боғлиқ бўлиб, таълим олишда инсон 10% ўқиганини, 20% тинглаганини, 30% кўрганини ва 90% ўзи мустақил бажарганини ўзлаштирар экан. Айнан педагогик технологиялар асосида берилган вазифа ва топшириқларни ўқувчиларнинг ўзи мустақил бажариши учун қулай муҳит яратади. Бугунги кунда муסיқий таълимда ҳам замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланилмоқда. Чунки педагогик технологиялар ўқувчиларнинг мустақил равишда қўшиқларни чолғу асбобида чалиб, куйлаб таҳлил қилиш, муסיқа саводхонлигини ошириб бориш, соф интонацияда куйлаш, хотирани мустаҳкамлаш, образли тасаввур ҳосил қилиш, ўз қобилиятини тўла намоён қила олиш, муסיқа фанлари бўйича пухта билимларни эгаллаш, мулоҳаза ва суҳбат доирасини кенгайтириш, эркин ва ижодий фикрлаш, ўқитувчи ва гуруҳ ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш, педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришиш каби бир қатор муҳим таълим мақсадларига эришишни таъминлайди.

Таълим жараёнини педагогик технологиялар ёрдамида амалга ошириш учун ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим. Педагогик маҳоратга эга бўлиш учун эса ўқитувчи ўз устида тинимсиз ишлаши керак бўлади. Интерфаол методларни қўллаш учун ўқитувчи педагогик технология таълим жараёнига зарур бўлган ғоялар ва ҳаракатлар мажмусини тузишга ҳамда ўқитишнинг ижодий ривожланиш тартибида ишлашга ўрганиши лозим. Муаммоли - изланувчанлик услубларини ўзлаштириш - ўқувчиларнинг ижодий-изланувчанлик фаолиятини ташкиллаштириш асоси, бинобарин интерфаол таълимнинг ҳам асосидир.



Инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу кунгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари тўғри келтириб чиқаришларига ўргатади.

Педагогик технология ва педагог маҳоратга оид билим, тажриба ва интерфаол методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакали мутахассисликка эга бўлишларини таъминлайди.

**“Технология”** - юнонча “*techne*” – маҳорат, санъат, “*logos*”-тушунча, таълимот маъносини англатади. Технология самарали воситалар ёрдамида ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг сифат ўзгаришига олиб келувчи тизимли усуллар йиғиндиси дир.

**Таълим технологияси-** (инглизча “*an educational technology*”)- таълим (ўқитиш) жараёнининг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши.

**Таълим технологияси** – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқариш.

**Таълим методи** - ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизими.

Ўқитувчининг самарали фаолият кўрсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасини пухта ишлаб чиқишдан фарқли ўлароқ, таълим технологияси талабалар фаолиятига нисбатан йўналтирилган бўлиб, у

талабаларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатга олган ҳолда, ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Таълим технологиясининг марказий муаммоси – таълим олувчи шахсни ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

**Педагогик технология** – таълим шакллари тақомиллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва бошқаларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва аниқлашнинг изчил методи (харакатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва аниқлашнинг изчил методи ЮНЕСКО)

Ўз моҳиятига кўра педагогик технология вақт тақсимотига мувофиқ дастурланиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда кутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг барча босқич ва қисмларининг вазифаларини аниқ белгиланган тизимини ифода қилади.

Луғавий жиҳатдан **“инновация”** тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. “Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифода қилади.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан фойдаланилади.

Замонавий инновацион технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этишда кўп факторли сабаблар салбий таъсир этади, булар;

1. Таълим муассасаларининг компютерлар ва электрон воситалар билан таъминланганлик даражасининг етарли эмаслиги;
2. Таълим муассасаларининг интернет ва бошқа ахборот тармоқларига етарлича уланмаганлиги;
3. Ўқитувчиларнинг замонавий компьютер техникаси бўйича малакасининг етишмаслиги;

4. Таҳсил олувчиларнинг ҳам компьютердан етарли фойдалана олмасликлари, электрон китоблар билан ишлашни билмасликлари;
5. Таълим муассасалари раҳбариятининг таълимнинг бу соҳасига жиддий эътибор бермасликлари ва ҳ.к.

Таълимда йўл қўйилаётган бундай камчиликларни бартараф этиш омиллари қуйидагича:

Янги инновацион технологияларни ўрганиш учун ўқитувчиларни қайта тайёрлашни ташкил этиш;

Мультимедия ўқув қўлланмаларини ишлаб чиққан ўқитувчиларни рағбатлантириш;

Интернет тармоғи орқали он-лайн конференциялар, семинарлар ва бошқа ўқитиш тадбирларини ташкил этиш; таълим муассасаларида мультимедия синфлари, лабораториялар ва кутубхоналар сонини кўпайтириш;

Интернет ва бошқа электрон ўқув воситалари бўйича ўқитиш академик соатлари миқдорини кўпайтириш; таҳсил олувчилар билан замонавий ахборот технологиялари ҳақида кўпроқ илмий таништирув ишларини олиб бориш.

“Муסיқа маданияти” дарсларида муסיқа саводхонлигига ўргатишда фортепиано, нота материалларидан фойдаланган ҳолда фан ва техника ривожланган бир пайтда ёшларимизга АКТ лар ёрдамида ҳар бир мавзуга жиддий ёндошиб, ўқувчиларга осонликча ўргатишни йўлга қўйишимиз даркор.

“Муסיқа маданияти” дарсида қўлланиладиган ҳар бир муסיқий фаолият тури унинг ажралмас мантиқий бўлаги бўлиб, аниқ мақсад сари йўналтирилиши лозим. Шунини эътиборга олиб, муסיқа таълимини компьютернинг **“Pitch Inovatsion“ (Вторжение подачи)** ҳамда **“Musik Replay”(Переигранузыки), Sibelius Example Scores** нота ёзуви муסיқий ўйинлари ёрдамида ташкил этиш, ёки **“Power Point”** дастурларини қўллаш таълимга инновацион

технологияларни жорий қилишни яна бир ютуғи сифатида қарашимиз мумкин.

Бундан кўзланган мақсад: компьютердан фойдаланиб, ўқувчиларнинг билим савияларини ошириш, мавзу моҳиятини аниқ идрок этишига ёрдам бериш, соф куйлашга ўргатиш, мусиқага бўлган қизиқишларини ошириш, мусиқа таълимини техник таълим билан бир-бирига боғлашдир.

Ўқитувчи ва ўқувчининг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ: натижага эришишга қаратилган., бунда ўқувчининг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан, натижага эришиш учун балким филм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, булар ўқитувчи ва ўқувчига боғлиқ.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт ичида муайян назарий билимларни талабаларга етказиб бериш, уларни маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, талабалар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

**Интерфаол таълим** (ингл. “interact”, рус. “интерактив”; “inter” – ўзаро, “act” – ҳаракат қилмоқ) – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда талабаларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

Ҳозирги кунда интерфаол методларнинг 100 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, ўқув материалнинг характери, талабаларнинг ёш ва психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнида уларнинг ҳар бирдан самарали фойдаланиш мумкин.

Педагогик технологияларнинг самарадорлиги мусиқий таълимни маълум мақсад асосида, шунингдек, мақбул шакл, усул ва воситалар ёрдамида ташкил этилиши билан таъминланади. Жумладан: техник воситалар, компьютер ва бошқа мусиқий чолғулар услублари, кўргазмали жихозлар, амалий машғулотлар, педагогик ва психологик воситалар, илғор ўқитувчиларнинг илғор тажрибалари, дарсларнинг ноанъанавий шакллари, баҳолашнинг янги тизими кабилар педагогик технологиялар самарадорлигини аниқлашнинг муҳим мезонлари бўлиб хизмат қилади.

Педагогик технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш мезонлари дарс жараёнида ўқувчилар томонидан қуйидаги ўқув фаолиятларини назарий ҳамда амалий тарзда бажариш борасидаги билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиш даражаси билан белгиланади:

Муסיқа ўқитувчисининг методик тайёргарлигида педагогик лойиҳалаш ва педагогик ўйинлар муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқувчи ижрочилик фаолияти билан боғлиқ маҳоратини тақсимлашни, мулоқот қилишни ўрганиши, таълимга қўйилган мақсад натижаларини олдиндан кўра билиши лозим. Лойиҳалаш педагогик жараёни ташкил этиш ва унинг муваффақиятли кечишини таъминлайди. У асосан алоҳида ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи томонидан ташкил этилувчи фаолият мазмунини ёритиши зарур. Лойиҳалашда ўқув режаси, дастурлари, дарслик, методик тавсиялар ва бошқа ўқув қўлланмалар муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Амалий машғулотларда педагогик ўйинларни қўллаш эса ўқувчига ўқув фаолият техникасига эришиш ва ўз тайёргарликларини реал шароитда синфда текшириш, синаб кўриш имконини беради (ўқувчилардан бири синфда муסיқа ўқитувчиси, қолганлари эса ўқувчилар сифатида иштирок этадилар). Ўйин методларини қўллаш натижасида ўқувчилар муסיқанинг

назарий ва амалий соҳасини пухта ўзлаштириб боради, эгаллаган ижровий малака ва маҳорати янада ўсади, ички ҳис-туйғу билан идрок этиш жараёнидаги ўзига хос ютуқларини орттириб, камчиликларини бартараф этиш одат тусига кириб боради.

Қуйида “Қора қути” интерактив методи устида тўхталиб ўтамиз.

Мазкур методдан ўзлаштирилган билимларни янада мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш мумкин. Айти пайтда ўқувчининг ҳамкорликда ишлаш, маълум вазиятларни бошқариш малакаларини оширишга ҳам имкон яратилади. Хусусан, Мусиқа назариясидан “Альтерация белгилари” мавзуси бўйича олиб бориладиган амалий машғулотда мазкур метод ёрдамида хотирани мустаҳкамлаш, ўз қобилиятини тўла намоён қилиш, мусиқа саводхонлигини оширишни мустаҳкамлаш мумкин. Мазкур метод воситасида қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади: ўқувчилар жуфтликка бириктириладилар. Уларга мавзу моҳиятини ёритувчи асосий тушунча, яъни альтерация белгилари қандай белги эканлиги ва улар қандай вазифани бажаришлари ва жойлашиш тартибини карточкаларга ёзиш топширилади. Ўқувчилар маълум вақтда ушбу топшириқни бажарганларидан сўнг, ўқитувчи томонидан текширилади. Топшириқни тўғри бажарган гуруҳнинг бир аъзоси ўқитувчи ролини бажаради ва тўғри жавобни ёзув тахтасига ёзади:

Диез- Товушни ярим тон тепага кўтаради

Бемоль- Товушни ярим тон пастга туширади

Бекар- Товушни ўз ҳолатига қайтаради.

Топшириқни тўғри бажарган ўқувчи ўқитувчилик вазифасини бажариб, жуфтликларга мавзу моҳиятини ёритувчи схема ёки жадвал тузишни топширади ва машғулот ўз-ўзини бошқариш тарзида олиб борилади, топшириқнинг бажарилиши текширилади.

Ноанъанавий дарс турларини иш фаолиятининг асосий шаклига айлантириш ҳамда уларни мақсадсиз қўллаш мумкин эмас. Жаҳон психолог-педагоглариининг тадқиқотларида 21 аср методлари сифатида кўрилатган

педагогик технологиялар нафақат замонавий мактаблар учун юксак малакали ўқитувчиларни тайёрлаш вазифасини бажаришда, балки ушбу жараёни тезлаштириб таълим сифатини оширишга ҳам шароит яратади.

## ХУЛОСА

Муסיқа шундай воситаки, у янги авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади, инсон рухий оламига бевосита таъсир кўрсатади, тингловчи дунёкарашини шакллантиради. Айни чоқда у инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондиради, ҳис-туйғуларини бойитади.

Инсон ҳаётида кўшиқнинг ҳамиша ўз ўрни, ўз вазифаси мавжуд у эрмакка тўқилмаган, ҳавасга айтилмаган, бекорчиликдан эшитилмаган: кўшиқ кишиларни яшашга, курашга чорлаган, меҳнатга, муҳаббатга руҳлантирган, дарду қайғусига малҳам, бахту қувончига шерик бўлган. Кўшиқнинг халқ орзу-армонларининг ифодаси, халқ руҳиятининг кўзгуси ҳисобланиши шундан.

Инсоннинг гўзаллик туйғусини тараққий эттирмай туриб, маънавий баркамол инсон ҳақида гапириб бўлмайди.

Токи одамзод ўзини қуршаб турган ташқи оламда, ўзи яшаётган жамиятда, ўзи билан мулоқотда бўлаётган кишиларда тарихан шаклланган ва муайян даврда амал қилинаётган бадий ижод намуналарида мужассамлашган гўзалликни ҳис қила олмас экан, ҳеч қачон маънавий баркамол инсон даражасига кўтарила олмайди.

Муסיқа ана шу нозик туйғуларни шакллантириш ва тарбиялашнинг қудратли воситаларидан биридир.

Шахсни камол топтиришда муסיқа маданиятининг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш, биринчидан, инсон ва унинг моҳияти масаласини, иккинчидан, маърифатлилик кўламини, учинчидан, маънавий камолотда муסיқа эга бўлган имкониятларни аниқлаш демакдир.

Бу ўринда таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга молик. Муסיқани тушуниш, унинг оромбахш таъсиридан баҳраманд бўлиш билим, малака ва кўникмалар қатори эмоционал ҳис-туйғуларнинг иштирокига ҳам боғлиқ. Асарни ижро ва идрок этишда ҳис-туйғулар қанчалик фаол ва чуқур бўлса, уларни тушуниш ва ўзлаштириш, тўйиниш ва завқ олиш ҳам шунчалик онгли ва чуқур бўлади.



Бу ҳолатлар эса ўз ўрнида ижодий фаоллик натижасида содир бўладиган жараёнлар. Зеро зерикарли ва сокинлик ҳолати синфда жонли ҳиссиёт ҳолатини ташкил эта олмайди. Ўқувчиларни хор санъатига қизиқтириш биринчи навбатда тинглаш ва ижро этиш учун танланадиган асарлар репертуари билан боғлиқ. Бошланғич синфлар учун танланадиган асарлар репертуарининг асосий мезони ўқувчиларнинг ёшларга, қизиқишлари, билим ва кўникмалар даражасига мос бўлиш, тематиканинг ранг-баранглиги, ғоявий-бадиий сифати ҳамда педагогик қиммати билан белгиланади. Бошқача сўз билан айтганда, мактабда ўқувчиларнинг ёшлари ва идрок этиш қобилиятлари мос келадиган ўтмиш ва ҳозирги замоннинг энг юксак ғоя ва образларини акс эттирадиган, ўзининг форма ва мазмуни билан гўзал ва ҳаётбахш, нафис ва хушоҳанг асарлар янграши лозим. Зеро фақат мана шундай асарларгина ўқувчиларда дарсга нисбатан қизиқиш ва ҳавас уйғота олади, ахлоқий-эстетик ҳиссиётларини, зарур бўлган қобилиятларини ўстириб боради. Бу ўринда замонавий кўшиқлар қатори халқ кўшиқларидан кенг ва оқилона фойдаланиш дарсни янада қизиқарли ва сермазмун бўлишини таъминлайди, ёш ижрочиларда халқимиз ижодига, унинг мусиқа ва кўшиқ санъатига бўлган меҳр ва муҳаббат туйғуларини шакллантириб боради. Ҳар бир дарсда ижодий фаоллик юзага келади. Ўқувчиларни мусиқа саводхонлигига қизиқтириш дарсларни нақадар қизиқарли, мазмунли, тушунарли ва қолаверса материалларнинг ранг-баранг бўлишлигига боғлиқдир. Мусиқа асарлари, ранг-баранг кўргазмали куруллар, мусиқа ҳақидаги қизиқарли факт ва маълумотларга бой бўлган, бошидан охиригача суст бўлмаган суръатда ташкил қилинадиган мазкур дарслар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

“Мен Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир” деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Президентимиз Ш.Мирзиёев сайловолди учрашувларининг бирида “Буюк мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб айтганларидек, “Дунёда икки турли инсон ҳақиқий инсон саналади: Бири – ўргатувчи, бири – ўрганувчи.” Мен сизларнинг ҳар бирингизга ана шундай ҳақиқий инсон бўлиш бахти насиб этишини тилайман”деган эди. (2016 йил 22 ноябрь).

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А.. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А.. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1995.
3. Каримов И.А. Асарлар. 6- жилд. Т., «Ўзбекистон», 1998.
4. Каримов И.А.. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Т., «Ўзбекистон», 1992.
5. Ш.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Т., “Ўзбекистон”- 2017.
6. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Т., “Ўзбекистон”-2017.
7. «Миллий мактаб концепцияси» илмий –расмий педагогик ҳужжат.
8. «Узлуксиз педагогик таълим концепцияси» илмий –расмий педагогик ҳужжат.
9. «Умумтаълим мактабларининг мусиқа таълим-тарбия концепцияси» илмий –расмий педагогик ҳужжат.
10. «Таълим тўғрисида» илмий –расмий педагогик ҳужжат.
11. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А, “Таълимда инновацион технологиялар” Т., 2008.
12. Қосимова З. “Таълим технологиялари”. Т., “Тафаккур қаноти” 2014
13. Тожиёв М., Зиямухаммедов Б., Ўралова М..”Педагогик технология ва педагогик маҳорат фанининг ўқув машғулотларини лойиҳалаш” “Тафаккур-бўстони” Т.,-2012.
14. Омонов.Ҳ., Хўжаев Н., Мадярова Е., Ешчонов Е. “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” “Иқтисод-молия” Т., 2009.
15. Турназаров Н. “ Мусиқа ўқитиш методикаси ва мактаб репертуари” Термиз 2006 йил

16. ТДПУ. “Узлуксиз таълим тизимида мусиқа фанларини ўқитиш масаласи. Республика илмий амалий анжумани материаллари. Тошкент, 2009 й.
17. Шарипова Г.М. “ Мусиқа ўқитиш методикаси” методик қўлланма
18. Норхўжаев Н., Нурматов Ҳ. Мусиқа алифбоси. 1-синф учун дарслик. – Т.: “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи”, 2008.
19. Норхўжаев Н., Нурматов Ҳ. Мусиқа. 2-синф учун дарслик. – Т.: “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи”, 2008.
20. Норхўжаев Н., Нурматов Ҳ. Мусиқа. 3-синф учун дарслик. – Т.: “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи”, 2008.
21. Мирзаев Қ. “Вокал-хор жамоалари билан ишлаш методикаси” Т. 2010 й.
22. Шарафиева Н.С. Хор синфи. Мусиқа нашриёти. Т., 2005
23. Шукуров Ж.Т. Дирижёрлик. “Истиклол” нашриёти. Т., 2006
24. Мирзаев Қ.Т. Хор жамоалари билан ишлаш услубиёти. Ўқув-методик қўлланма. Т., А.Қодирий номидаги ТошДМИ босмахонаси. 2008
25. Мирзаев Қ.Т. Болалар хор жамоаси билан ишлаш услубиёти. Т., ЎзРФААК босмахонаси. 2009
26. Мирзаев Қ.Т. Аралаш хор жамоалари билан ишлаш услубиёти. Т., ЎзРФААК босмахонаси. 2009
27. Соипова. Д. “ Мусиқа ўқитиш назарияси ва методикаси” Т.2009.
28. Юсупова. Н. “ Мусиқа саводи , методикаси ва ритмика” Тошкент. 2010 йил. “ Мусиқа ” нашриёти.

## 1-соатлик дарс сценарийси

**Мавзу:** “ Азиз устозлар” С.Бобоев мусикаси, Тўлқин шеъри

**Дарснинг мақсади:**

- ўқувчиларда ўз устозларига бўлган меҳр-мухаббат ва хурмат ҳиссини уйғотиш.
- уларда кўшиқ орқали кўповозли куйлаш малакаларини шакллантириш.
- жамоа бўлиб куйлаш қобилиятларини шакллантириш.
- мусиқа тинглаш орқали ўқувчиларнинг мусиқий идрокларини ривожлантириш.

**Дарснинг методи:** аралаш

**Дарснинг жиҳози:** 2 – синф мусиқа дарслиги, конспект, фортепиано, плакатлар, расмлар. Мавзуга оид буклетлар, болаларни рағбатлантирувчи карточкалар.

**Дарснинг бориши:**

Ўқувчилар дарсга кириб келишади, саломлашиб давомат аниқланади.

**Ташкилий қисм.**

Ўқувчиларни дарс бошлашга тайёрлаш, яъни мусиқа дарсида қандай ўтириш керак эканлигини, куйлаганда гавда қандай ҳолатда туришини эслатиб, уларни тўғри ўтказиб оламиз. Болаларни икки гуруҳга бўламиз.

1. “Бойчечак” гуруҳи
2. “Бинафша ” гуруҳи

**Ўқитувчи:** Қани болалар, кўрамыз бугун қайси гуруҳ дарсга фаол қатнашиб, кўпроқ рағбат карточкаларини йиғади. Қани энди хаммамиз тўғри ўтириб, овоз созлаш машқларини бажарасиз.

**Овоз созлаш машқлари:**

До, ре, ми, фа, соль, ля, си, до

До, ре, ми, фа, соль, ля, си, до (бир неча бор қайради)

До – до, ре – ре, ми – ми, фа – фа,

соль – соль, ля – ля, си – си, до – до

До – ми – соль – ми до (бир неча марта қайтарилади)

**Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш:**

**Ўқитувчи:** Қани энди ўтган кўшиқларимизни бир эслаймиз, уйга берган кўшиқни номи нима эди.

**Ўқувчи:** “Сумалак”

**Ўқитувчи:** Қани энди хаммамиз кўшиғимизни бир эслаб оламиз ва биргаликда, кейин эса якка ҳолда сўрайман.

Кўшиқни сўраб бўлгач. Карточкалар билан рағбатлантирилади. Кейин янги мавзу ўтилади.

**Янги мавзу баёни:**

**Ўқитувчи:** Бугунги дарсимиз “Азиз устозлар ” кўшиғи . Халқимизнинг “Устоз -отангдай улуғ” деган ҳикматли гапи бор. Боғчада тарбиячиси, мактабда алифбени ўргатган ўқитувчи, коллеж, академик лицей ва олий таълим даргоҳларида дарс берадиган профессор-ўқитувчиларнинг барчаси устоз ҳисобланади. Ўзини, она Ватанини, ота-онасини ҳурмат қилган ва севган инсон устозининг ҳам қадрига етади. Биз устозларимизни ҳурмат қилишимиз керак, тўғрими?

**Ўқувчилар:** Ҳа

**Ўқитувчи:** Шундай экан, биз барча устозларимизни ҳурмат қилишимиз керак. Уларни кўрганда , уларга салом беришимиз керак. Улар бераётган ҳар бир уй вазифасини вақтида тайёрлаб келишимиз керак. Мана бугунги мавзуимиз бўйича ҳам анчагина маълумотга эга бўлдик. Энди эса тарқатилган саволли карточкаларга жавоб берасиз.

**Ўқувчилар:** Саволга жавоблари.

- 1.Ўзбек композиторларидан кимларни биласиз ? – Ш. Ёрматов, Д. Омонуллаева, Н. Норхўжаев, С. Бобоев.
2. Ватанни нима учун онага қиёслаймиз? – Чунки она каби бизни ўз бағрида катта қилганлиги ва нозу-неъматларидан баҳраманд қилгани учун.

3. Комил инсон деганда нимани тушунаси? – Комил инсон одобли ота – онасини хурмат қиладиган ва ҳар томонлама етук инсонга айтилади.

4. Ярим нота нечага саналади, дирижёрлик қилиб кўрсатинг.

- Ярим нота 1 и ,2 и га саналади.

### **Мусиқа саводи:**

-Ўқувчилар бугун биз сизлар дилан дирижёрлик ҳаракатларини ўрганамиз.

Дирижёрлик ҳаракати кўрсатилиб, улар ҳаммаси ўрндан туриб, биргаликда бажаришади.

### **Янги қўшиқ – “Азиз устозлар ”**

#### **Тўлқин шеъри, С. Бобоев мусиқаси.**

1. Ўлчови - 3/8
  2. Темпи – Allegretto - (тез)
  3. Тоналлилиги – ми минор
  4. Асарда кириш қисми бор.
  5. Асарни бошланиши 4 такт мусиқа тактидан иборат
  6. Асарда бутун, ярим, чоракталик, нота чўзимлари бор
  7. Асарда бутун, чорак паузалар учрайди.
  8. Асар ўртасида тоналлиги ўзгаради.
  9. Асар жами 34 тактдан иборат
  10. Динамик белгилардан : F, лига, mf бор
- Қўшиқ жумлаларга бўлиб ўрганилади.

### **Мусиқа тинглаш:**

**Ўқитувчи:** Болалар энди ҳаммамиз диққат билан тинглаймиз. Мен сизларга куй чалиб бераман, сизлар эса бу куйни қайси қўшиқдан эканлигини айтиб, нимани тасаввур қилганингизни айтиб берасиз .

“ Капалак” қўшиғи ижро этилди.

**Ўқувчилар:** Болалар гуллар териб юришибди, баҳор ҳақидаги қўшиқ.

**Ўқитувчи:** Яхши, яна ким айтади.

**Ўқувчи:** Ёмғир ёғаяпти, шуни тасаввур қилдим,. Ёмғир ҳақидаги қўшиқ.

**Ўқитувчи:** Бу қўшиқ “Капалак” деб номланади Дилором Омонуллаева мусикаси, демак далазорларда капалаклар рақс тушаётган жараёнини эслатувчи куй экан.

**Дарс якуни:**

Ўқитувчи дарсга якун ясаб, фаол катнашган ғолиб ўқувчиларни рағбатлантириб, уларни баҳолайди. Ғолиб гуруҳни аниқлаб, уларни олқишлайди.

**Уйга вазифа:**

**Ўқитувчи:** Ўтилган мавзунини мустахкамлаб, янги қўшиқни ўрганиб келиш.

**Дарсимиз тугади. Хайр.**

**Ўқувчилар: Хайр устоз!**



## Муסיқавий тарбиявий тадбир

**Мавзу:** “ Нон азиз”

**Дарснинг мақсади:** Ўқувчиларда дунёдаги энг азиз нарса нонга, уни кадрлаш ва катталар меҳнатига қизиқиш уйғотиш. Нон тайёр бўлгунга қадар ғаллакор, нонвойлар томонидан қилинадиган меҳнатларини кадрлаш ва ҳурмат қилишга ўргатиш, меҳнат қилишга қизиқиш уйғотиш.

**Ривожлантириш:** Бу байрамни яънада каттароқ – дабдабали ўтказиш ва ҳозирги замон технологияларидан фойдаланган ҳолда янада қизиқарли қилиб ўтказиш.

**Дарснинг методи:** аралаш.

**Дарснинг жиҳози:** Кўргазмали қуроллар, мақол ва ҳикматлар, расмлар, плакатлар, керакли жиҳозлар. Турли хил кўринишдаги нонлар, ундан тайёрланган пишириклар, хамир, зувалачалар, сакич.

**Дарснинг бориши:** Синф хонаси ва ўқувчилар тадбирга тайёр.

**Ўқитувчи:** Қўнғироқ чалинғач синф хонага кириб келди, ўқувчилар билан саломлашди. Журнални очиб давоматни аниқлади. Ўқувчиларни дарсга ҳозирлаб, бугунги санани, ҳамда бугунги тарбиявий соатимиз мавзусини ёздирди. Болалар фикрини жамлаб, уларга турли хил нон турларини кўрсатиш ва уни бунёдга келиши, ғаллакор, завод ишчиси, нонвойлар меҳнати ҳақида суҳбатлашди. Қадим-қадимдан бизнинг давргача етиб келган ривоятларда ҳам ноннинг кадр қиммати ҳақида ҳикоя қилинганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Зал миллий кўринишда: Хусайн Бойқаро тахтда хаёл суриб ўтирибди.

**Шоҳ:**-Менга дунёдаги энг мазали нарсани олиб келинг.

**Вазирлар:**-Марҳамат шоҳим /гул келтирадилар/.

**Шоҳ:** -йўқ, бул эмас.

Вазирлар чиқиб кетадилар.

**Вазирлар:**- Марҳамат, шоҳим /қалампир мунчоқ олиб келадилар/.

**Шох:-** йўқ, бул эмас. Сизларга уч кун муҳлат; шу уч кун ичида дунёдаги энг яхши нарсани келтиринглар.

**Вазирлар:-** Хўп бўлади, шоҳим.

**1-Вазир:** - Энди нима қиламиз, шоҳимиз айтган нарсани қаердан оламиз?

**2-Вазир:** - Буни фақат устоз Навоийдан сўраш керак (улар Навоийнинг олдига борадилар).

**Вазирлар:-** Ассалому алайкум!

**Навоий:-** Ваалайкум ассалом!

**Вазирлар:-** Шоҳимиз дунёдаги энг мазали нарсани келтиринг дедилар. Дунёдаги энг мазали нарса нимадир.?

**Навоий:-** Сизлар деҳқон бобонинг олдига боринглар. Вазирлар деҳқон бобонинг олдига борадилар.

**Навоий вазирлар:-** Ассалому алайкум!

**Деҳқон:-** Ваалайкум ассалом!

**Навоий:-** Деҳқон бобо дунёда энг мазали нарса нимадир?

**Деҳқон бобо:-** (саватда нон беради) Мана шу нонларни олиб боринглар.

**Вазир:-** Шоҳимиз, ҳузурингизга Навоий деҳқон бобо билан келдилар, рухсат беринг.

**Шох:-** Боракалло! Офарин, раҳмат дўстим Мир Алишер!

**Навоий:-** Раҳматни менга эмас, деҳқон бобога айтинг.

**Шох:-** Сарпо келтиринг.

Деҳқон бобога сарпо келтирадилар.

**Деҳқон бобо:-** Раҳмат, шоҳим!

**Вазирлар:-** Муборак бўлсин!

Мана, ҳақиқатдан ҳам нондан азиз нарса йўқдир. Келинлар, энди биз ҳам ўз қўлимиз билан нон ясаймиз. Болалар билан биргаликда хамир қориш, зувалачалар олиб нон яшаш, ўзлари хоҳишлари бўйича чиройли безаклар билан безашни таклиф этиш.

**Болалар:-** ҳа.

**Тарбиячи:-** Марҳамат болалар ўзинглар хоҳлаган иш билан шуғулланинглар. Сизлар ҳам шулардек уста бўласизлар. Болаларнинг ҳаммалари ўз иш жойларига ўтирадилар. Бир томонда бешик ясовчи ва унга бўёқ берувчи усталар, иккинчи томонда эса палак, сўзана, дўппи тикувчи чеварлар.

Бешик ясовчи уста: Меҳнат унумли ва самарали бўлиши учун куй ва кўшик хамиша ҳамроҳдир. Навбат кўшикка ( Қизлар кўшик айтиб ўйнайдилар) .

**Уста:-** Меҳнат кишига завқ бағишлайди, меҳнат ҳақидаги мақоллардан айтсангиз.

**1-бола -** Меҳнатдан келса бойлик,

Турмуш бўлар чиройлик.

**2-бола-** Одамни меҳнат безайди.

**3-бола-** Меҳнат- меҳнатнинг таги роҳат.

**4-бола-** Меҳнат қилиб топганинг,

қанду асал топганинг.

**5-бола-** Меҳнатсиз иш битмас.

**6-бола-** Одамнинг қўли гул.

**7-бола-** Роҳатнинг онаси меҳнат.

(ўғил болалар "Дилхирож" ўйинини ижро этадилар).

Машғулот охирида ҳар бир бола ўз қилган ишини намойиш қилади.

**Ўқитувчи:-** Болалар, меҳнатдан кейин дам олиш қанчалар яхши! Келинглар, бир қизиқарли ўйинлардан ўйнайлик! ( Тадбир тугагандан сўнг мусиқали ҳаракатли ўйинларни ўйнайдилар) .